

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЁДЖУ ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
YEOJU TECHNICAL INSTITUTE IN TASHKENT  
ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ ЁДЖУ В Г. ТАШКЕНТЕ



# СБОРНИК

МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
«**Иновационное образование: международный опыт,  
проблемы и решения**»

\*\*\*

«**Иновацион таълим: халқаро тажрибалар, муаммо ва ечимлар**»  
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

\*\*\*

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE  
"**Innovative education: international experience,  
problems and solutions**"

Ташкент - 2021



ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЁДЖУ ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
YEOJU TECHNICAL INSTITUTE IN TASHKENT  
ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ ЁДЖУ В Г. ТАШКЕНТЕ

# СБОРНИК

МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ  
**«Инновационное образование: международный опыт,  
проблемы и решения»**

\*\*\*

**«Инновацион таълим: халқаро тажрибалар, муаммо ва ечимлар»**  
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

\*\*\*

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE  
**"Innovative education: international experience,  
problems and solutions"**

## II - ЧАСТЬ

## СОДЕРЖАНИЕ

<b>Abdurakhimov Z.A.</b> , Education of personnel in the field of artificial intelligence for the health care system of the Republic of Uzbekistan	4
<b>Касымова З.А.</b> , “Вечно жить среди минувших отрад...” (персидская миниатюра в творчестве Н.Гумилёва)	8
<b>Копытов А.Д.</b> , Педагогическая модерация как инновационная педагогическая технология формирования личности обучающихся	17
<b>Абдалова С.Р.</b> , Таълим мазмунини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган технологияларнинг аҳамияти	22
<b>Ачилова Л.И.</b> , The use of innovative technologies in the teaching of social and humanitarian disciplines	26
<b>Гулямова Г.Х.</b> , Об инновационной сущности музыкального исполнительского искусства (на примере анализа фортепианного цикла «два контраста» Альфредо Казеллы)	29
<b>Dr. Adriatik Derjaj</b> , From amu derya to adriatic sea ( <i>a brief overview of the power of SHagatay loanwords in albanian language</i> )	32
<b>Жуманазаров Х.С.</b> , XX аср матбуотида табобат масаласи	38
<b>Миркасымова Э.З.</b> , Методы развития творческого мышления обучающихся посредством фортепианного ансамблевого музицирования (на материале венгерских танцев иоганнеса брамса)	42
<b>Иногамова Д.Р.</b> , Формирование специализации будущих воспитателей в сфере дошкольного образования	46
<b>Ирисметов Б.</b> , Некоторые вопросы массового сознания и имидж: междисциплинарный обзор	49
<b>Кадиров Р.Х.</b> , Современные студенты и их психологические особенности	52
<b>Кулуева Ф.Г.</b> , Инновационные образовательные технологии в учебном процессе.	54
<b>Namazova SH.A.</b> , Peculiarities of spiritual-moral and aesthetic-communicative education of young generation in the era of society informatization	58
<b>Полянина А.К.</b> , Развитие субъектности обучающегося как адаптация в условиях медиазашумленности жизни: новое направление инноватизации образования	61
<b>Потапова Н. Ю.</b> , Инновационное образование и синергетический подход в социально-гуманитарных дисциплинах.	64
<b>Бахром Н.П.</b> , Вопросы инновационной деятельности и развития непрерывного профессионального образования в системе народного образования	69
<b>Рахимбабаева Н.А., Иногамова Д.Р.</b> , Материя замонавий концепцияларининг тахлилида инновацион таълим услубларини қўлланилиши ва илмий толерантлик	72
<b>Nurmurodova R., Sabirova L. Sh.</b> , Innovative education, creative thinking and computerization of society	76
<b>Самиева Ш.Х., Рахматова Б.К.</b> , Таълим тизимини модернизациялашнинг яни устувор ва долзарб йўналишлари	80
<b>Khokholova N. G.</b> , Accessing russian as a second language via cultural code of clutter in Leo Tolstoy's <i>the death of ivan ilyich</i> (1886)	82
<b>Ачилов Г.Б.</b> , Рост интереса к педагогическим технологиям	89
<b>Samiyeva Sh.X., Ismoilova M.Sh.</b> , Innovatsion yondashuv asosida ta'limni tashkil etishning zamonaviy yo'nalishlari	94
<b>Габибова И.В.</b> , Влияние архитектуры и средового дизайна на инновационное образование	97

## XX АСР МАТБУОТИДА ТАБОБАТ МАСАЛАСИ

**Жуманазаров Хуршид Сирожиддинович**

*Институт Истории Академии Наук Республики Узбекистан,*

*Старший научный сотрудник,*

*PhD. (Узбекистан)*

[xurshid\\_87@mail.ru](mailto:xurshid_87@mail.ru)

**Jumanazarov Xurshid Sirojiddinovich**

*O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Tarix instituti,*

*Katta ilmiy xodim,*

*PhD. (O'zbekiston)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада халқ табобати мавзуси тарихшунослиги масаласи ҳақида таҳлилий мулоҳазалар баён этилади. Хусусан, ўтган асрда мавзу бўйича эълон қилинган илмий ишлар ҳақида маълумотлар умумлаштириб берилган.

**Таянч иборалар:** тарихшунослик, халқ табобати, жарроҳлик, этнография, замонавий тиббиёт, мистик ва эмпирик табобат.

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы историография по народной медицине. В том числе, обобщаются опубликованные научные работы разных ученых прошлого века.

**Ключевой слова:** историография, народная медицина, хирургия, этнография, современная медицина, мистик и эмпирик медицина.

**Annotation.** In this article is analyzed historiographer of the theme of folk medicine. In ambition, author summarized information's about scientific works on this theme, which published in some last century.

**Key words:** historiography, folk medicine, sawbones, ethnology, current medicine, visionary and empiric medicine.

Халқ табобати кишилиқ жамиятининг табиат билан ўзаро муносабатга киришиши ва кундалиқ турмуш тарзида орттирган тажрибалари асосида юзага келган. Хар бир халқнинг табобат анъаналари маълум географик шароит натижасида шакланган ва шу асосда табобат анъаналари барча халқларда турлича кўринишда намоён бўлади.

Ўзбекларнинг табобат анъаналари ҳам таназзул ва сиёсий қаршиликлрға учрасада бугунги кунга қадар соғлиқни сақлашда муқобил даволаш усули сифатида сақланиб қолмоқда. Ўзбекларнинг халқ табобати анъаналарини илмий тадқиқ қилиш мустақиллик йилларида кенг миқёсда олиб борилётган бўлсада, табобатнинг айрим қирралари ва жамиятда тутган ўрни борасида ўтган асрнинг илк чорагида (1926 йилдан халқ табобати ва табиблик фаолияти расмий таъқиқлангунга қадар) ҳам кузатув ишлари амалга оширилган. Қуйида матбуот саҳифаларда акс этган кузатув натижалари таҳлил қилинган.

Подшо Россияси Марказий Осиёни забт этганидан сўнг ўлка халқларининг ҳаёти, урф-одати ва анъаналарини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Маҳаллий халқ орасида яшаб, фаолият юритган ҳарбийлар, геологлар, шарқшунос олимлар[6,12,13] ва бошқа фан вакилларининг илмий асарлари, хотира китоблари, кундаликларида ўлка ҳаётига оид қайдлар алоҳида ўрин эгаллади. Бундан ташқари, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларда ҳам халқнинг турмуш тарзига оид айрим маълумотлар ўрин эгаллаган. Ушбу манбаларда соғлиқни сақлаш тизими, табиблар ва халқ табобати анъаналари, эмпирик билимлар ҳам атрофлиқ таҳлил қилинган.

Ўзбекларнинг табобат билан боғлиқ анъаналари тарихшунослигини ўрганишда “Туркестанские ведомости” газетасининг материаллари салмоқли ўринга эга. Газетага Туркистон

генерал-губернаторлиги харбий-халқ бошқарувининг 1869 йил 6 ноябр куни № 75 буйруғига кўра асос солинган[14:246]. 1970 йилда илк сони нашр қилинган бўлса, охириги сони 1917 йил 15 декабрга тўғри келади[15]. Ўша даврда ушбу газетанинг ташкил қилиниши ва унда маҳаллий аҳолининг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзини акс эттирадиган этнографик материалларни чоп қилиниши ўз даври учун аҳамиятли воқелик эди.

Жумладан, газета саҳифаларида Марказий Осиё халқларига оид табобат анъаналари Богдан Рык, А. Виноградский, А. Диваев, Н. Лыкошин ва бошқа муаллифлар томонидан атрофлича ёритилган. Газета саҳифаларидаги мавжуд материаллар таҳлили, тадқиқотчиларнинг табобат анъаналарига доир қарашларини икки гуруҳга ажратиш имконини беради: мистик (тасаввуф, илоҳиётга, ғайритабиий кучларга ишониш[9:756]) табобат ҳамда эмпирик(тажриба йўли билан, фақат тажрибага асосланиб, бирор нарсани тажриба йўли билан аниқламоқ[9:765]) табобат. Ўзбекларнинг табобат анъаналари ёритилган бошқа манбаларда ҳам халқ табобати юқорида келтирилганидек икки гуруҳга ажратиш ҳоллари учрайди[3:242, 5:279,16:492].

Мистик табобатга оид қарашларда диний қарашлар қоришуви ҳам кўзга ташланади ва асосан ўлка халқларининг ислом динига бўлган муносабатлари кенг ўрин эгаллаган. Сабаби, мистик табобатда руҳий таъсирчанлик, беморни ўзига ишонтириш каби омиллар асосий ўринда тутуди ва табиблар даволашда дуо ва оятларни қўллаб халқ эътиборини қозонган. Айрим дин вакилларининг (қори, отин) дуо ўқиш орқали хасталарни даволаши ҳам мистик табобат вакилларининг фаолиятини кенг тарқалишига олиб келган. Баъзи ҳолларда эмират орасида эмпирик табобатга нисбатан мистик табобат юқори ўринда турган. Тадқиқотчиларнинг маҳаллий аҳолининг диний қарашларини етарлича англолмаслик ёки тушунмаслиги натижасида мистик табобат борасидаги фикрларда ишончсизлик, ажабланиш ҳолатлари акс этади. Жамиятда мистик табобатнинг мавқеи сабабли газета ҳам ўз саҳифаларида унинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида қайд этган.

“Туркестанские ведомости” газетасининг 1902-йил 80-сонида А. Диваев ўлка халқлари орасида кузатиладиган касалликлар ва улардан айримларини мистик усулда даволаш усулларини келтирилган[4]. Масалан, турли заҳарли ҳашоротлар чаққанда дуо ўқиш йўли билан заҳарни кесиш мумкинлиги айтилади. Шунингдек, айрим касалликлар маҳаллий халқ тилида қандай номланиши қайд этилган. Муаллиф фикрини давом эттирар экан– “мистик даволаш билан шуғулланувчилар халқ орасида *бахши* дейилади ва бу атама шомонликка хос бўлиб, бахшилар ўз дуоларида Сулаймон, Довуд ва Мухаммад (сав) номларидан кенг фойдаланади”- дейди.

Газетанинг 1908-йилдаги 160-сонида ушбу муаллиф *бахши* атамасининг келиб чиқиши ва маъноларига тўхталган. Жумладан, “қозоқлар орасида кенг тарқалган *бакшы* номи аслида чиғатой тилидаги *бахши* сўзидан олинган бўлиб, *табиб*, *шомон*, *ромчи*, *сеҳргар* (келажакни айтиб берувчи) каби маъноларда қўлланилганиди”, дейди ва улар беморларни руҳларни ёрдамга чақирган ҳолда (ҳар бир руҳни кўринишини ва номини алоҳида чақиради), дуо ёрдамида даволаш каби усуллардан фойдаланиши қайд қилган. А. Диваев – “бахшилар руҳ билан мулоқотга киришганда ён атрофдаги уй хайвонлари ҳам ларзага келади” – дейди, лекин бунга ўзи гувоҳ бўлганми ёки атрофдагилардан эшитганми – бунга аниқлик киритмаган. Бугунги кунда ҳам залқ орасида ҳам мистик табиблар фаолияти сақланиб қолган ва улар *шомон*, *бахши*, *фолбин*, *садқоқчи*, *азаимхон*, *дуохон*, *парихон* ва бошқа номлар билан аталади.

Газетада мистик табобат вакилларида бири – фолбин фаолиятига доир айрим маълумотлар берилган. “Туркестанские ведомости”нинг 1909 йил 70-сонида келтирилган мақолада уларнинг фаолияти атрофлича тадқиқ қилинган. Унда айтилишича, фолбиларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: тақдирни олдиндан айтиб берувчилар, қандай касалга чалинганлигини айтувчи (кўз тегиши, кинна) ва йўқолган нарсани топиб берувчилар. Фолбинлар ҳам унга борувчилар ҳам асосан аёллар бўлган. Агар эркакларнинг бирор юмуши фолбинларга бориб тақалса ҳам унинг ўринга аёли борган.

Мистик табобатнинг узоқ вақт сақланиб қолиши- аҳолининг динга бўлган муносабати ва эмпирик табобат билан шуғулланувчилар сонининг камлигига ҳам боғлиқ эди. Газетада айрим муаллифлар томонидан мистик табиблар фаолияти қораланган ёки танқид остига олинган. Газета генерал-губернаторликнинг бошқарув ишларига кўмаклашиши, хокимиятни халқ орасида янада мустаҳкамлаши ва шу асосда ўша даврда рус маъмуриятига тегишли тиббиёт соҳасини кенгроқ тадбиқ этиш каби вазифаларни бажарганини ҳисобга олсак, табобат анъаналарига нисабатан билдирилган айрим қарашлар субъективдир.

Газетада мистик табобат билан бир қаторда эмпирик билимларга асосланган табобат анъаналари ҳам ёритилган. Шунини алоҳида айтиш керакки, мистик табобат асосан мавҳумлиги учун қораланган бўлса, эмпирик табобат жуда соддалиги ва замонавий тиббиёт билан интеграцияси сўзга сабабли айрим нуқталарда танқид қилинган.

Эмпирик табобат анъаналари халқнинг географик жойлашуви, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ютуқлари, турли кашфиётлари натижасида шаклланган. Унинг илмий жиҳатдан исботланиши натижасида тиб илмига оид асарлар, рисолалар ва қўлланмалар яратилган. Газета саҳифаларида ҳам эмпирик табобатнинг шу қирралари келтириб ўтилган.

“Туркестанский ведомости” газетасининг 1903 йил 53- сонида Бухоро шаҳрида жарроҳлик масалаларига бағишланган маълумот мавжуд. Унда, жарроҳнинг иш қуроллари, нимадан ясалгани ва қайси касалликларни даволаши ёритилган[1]. Мақолада келтирилишича, жарроҳнинг ҳар бир жиҳози темирдан ясалган бўлиб, улар алоҳида чарм қопламаларга ўралган. Бу даврда жарроҳлар тиш, қон олиш, айрим яраларни даволаш, хатна қилиш каби амалларни бажаришган. Мақолада тиш олиш ва халқ орасида тарқалган ришта касаллигини жарроҳлик йўли билан бартараф этиш усуллари батафсил ёритилган. Айрим жойларда муаллиф бу даврдаги жарроҳлик фаолиятига танқидий кўз билан қараган бўлсада (замонавий тиббиёт нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган), маҳаллий халқ томонидан жарроҳларга бўлган муносабат ижобий эканлигини ҳам қайд этади. Бу пайти ўлкада жарроҳлик билан табиблардан ташқари сартарошлар ҳам шуғулланишган. Газетанинг 1903 йил 75- сонида нашр қилинган “Сартарош” мақоласи сартарошларнинг табиблик фаолиятига бағишланган[7]. Бу даврда, аҳоли танадан қон олдириш учун кўпроқ зулукдан фойдаланган. Зулукни қиш фаслида етиштириш ва сақлаш қийин бўлгани учун йилнинг совуқ фаслларида қон олиш билан сартарошлар шуғулланган. Одатда бу касб эгалари устоз-шогирд анъанаси асосида ҳунар сирларини отаси ёки устозидан ўрганган. Назарий билимлар авлоддан-авлодга оғзаки равишда етказилган ва беморларни даволаш амалиётининг айрим жабҳаларидан кузатиш орқали хабардор бўлган, амалий машғулотларда мунтазам қатнашиши натижасида кўзи пишиб борган. Мақолада қайд этилишича, сартарош тиббий жиҳозлардан фойдаланмаган. Чунки, ўша даврда маҳаллий халққа таниш бўлмаган бу жиҳозлар уларни қўрқувга солган. Маҳаллий беморлар сартарошнинг омбурига ва алдаб-чалғитиб иш кўришига ўрганган эдилар. Яъни, темирчи ясаб берган тиббий қуролга бемор “ҳавфсиз” ва “ўзиники” деб қараган ва ундан чўчимаган.

Халқ табобатида дори хом-ашёларининг аксарияти маҳаллий ҳудудлардан йиғиб олинган. Фақатгина, иқлим, тупроқ таркиби ва бошқа омиллар сабаб маҳаллий ҳудудда етиштириб бўлмайдиган гиёҳлар четдан ҳарид қилинган. Дорилар учта хом-ашё таёрланган: ҳайвон аъзолари, шифобахш гиёҳлар ва минераллар. Минераллардан фойдаланиш ва улардан зарарсиз дори тайёрлаш табиб ёки доригардан катта маҳорат, билим талаб қилади. “Туркестанские ведомости”нинг 1909 йил 221-сонида эълон қилинган мақолада[2] ўлка табиблари қўллайдиган оддий ва мураккаб кимёвий дорилар келтирилган. Табиблар кимёвий унсурлардан сулема (заҳарли оқ порошок, симоб хлорид), купорос (тутиё), фуксин(қизил аналлин буюёқ), спирт ва керосин билан аралаштирилган қизил қалампир дамламаси ҳамда симоб моддаларини ўз ҳолида ҳамда бошқа моддалар билан аралаштириб, малҳам кўринишида фойдаланганлар. Бундан кўринадики ўша даврда табиблар кимёвий моддалар ва турли эритмаларнинг дориворлик ҳусусиятидан ҳам бохабар бўлганлар. Мақолада маҳаллий табиблар томонидан

даволаш усуллари (уқалаш, нам сочиқ билан артиш, тугунча боғлаш, иссиқ ҳаммом, тахтакач қўйиш) ва уларга халқ томонидан “оғриқсиз даволаш муолажаси” сифатида қаралиши қайд этилади. Бу усулларнинг баъзилари бугунги кунда ҳатто замонавий тиббиётда ҳам ишлатилмоқда.

Газетанинг 1912 йил 208-сонида табиблар томонидан ёзилган тиббий асарлар ва уларнинг қиймати ҳақида тўхталиб ўтилган[8]. Жумладан, муаллиф ўзи кўриб танишган манба, Махзум Қодирийнинг форс тилида ёзилган “Тибб-ул-фавоид” асарига алоҳида тўхталиб ўтган. Мақолада, тиб китоби тарихи ҳақида сўз боради ва Махзум Қодирий ўзи синовдан ўтказган усулларни жамлаб китоб шаклига келтиргани баён қилинган. Мақола муаллифи китобни бир неча қисмлардан иборатлиги ва тана аъзонларига хос касаллик номлари билан бир қаторда, ўша аъзони танада қандай вазифани бажариши ҳақидаги маълумотларни қайд этган. Муаллиф ўлка таъбаоти оид бир қанча илмий тиб китобларини таҳлил қилиб, “маҳаллий аҳолини таъбаотда қўлга киритган ютуқлари ҳудди рус халқ таъбаоти каби қимматбаҳо” -деган хулосага келган. Шу билан бир қаторда, айрим хатолар ҳам кўзга ташланади, масалан, тиббий муаллиф Ибн Сино, Абу Бакр Ар-Розийларни араб миллатига мансуб деб талқин қилган. Бунинг сабаби ўрта асрларда ёзилган асарларнинг аксарияти араб ёки форс тилида эканлигида эди.

Умуман, газетанинг XX аср нашрларида муаммони ўрганилиш доирасидан четда қолган янги маълумотларни олиш мумкин. Муаллифлар таъбаотга оид материалларнинг аксариятини дала тадқиқотлари асосида ўз кўзлари билан кўрган ва гаплашган объектлардан йиққанлар. Натижада, маҳаллий халқнинг ижтимоий, маиший, диний, тиббий соҳаларига оид катта этнографик манба тўпланган. Юқорида таъкидлаганидек, айрим жараёнларни бир ёқлама ёритилиши, фактларни “гапиртириш” да сиёсий мақсадни бирламчилиги, ишончсиз фикрларни илгари сурилиши (асосан мистик таъбаотни шарҳларида) каби ҳолатлар кузатилади. Умуман олганда ушбу газета ўлка халқларининг турмуш тарзига оид анъаналарни ташқаридан кузатиш натижасида олинган маълумотларни ўзида мужассамлаштиргани билан қийматлидир.

#### Адабиётлар:

1. Богдан Рык. Бухарские хирурги (этнографический очерк) // Туркестанский ведомости. – 1903. – № 53.
2. Виноградский А. Знахарство в Средне-азиатской деревне // Туркестанские ведомости. – 1909. – № 221.
3. Гейер И. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент: Типо-литогр. В. Ильин, 1901.
4. Диваев А. Киргизский болезни и способы их лечения // Туркестанский ведомости. – 1902. – № 80.; – 1903. – № 43.
5. Кушелевский В. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том I. – Маргелан: Новый Маргилан, 1890.
6. Логофет Д. Бухарское-ханство под русским протекторатом. Том II. – Спб: Изд. В.Березовский, 1911.
7. Лыкошин Н. Сартараш // Туркестанский ведомости. – 1903. – № 75.
8. М. Г. Сартовская медицина // Туркестанские ведомости. – 1912. – № 208.
9. Русча- ўзбекча словарь. I-том. –Тошкент: Ўзбек Совет Энц., 1983.
10. Русча- ўзбекча словарь. II -том. –Тошкент: Ўзбек Совет Энц., 1984.
11. Справочная книжка Самаркандской област на 1894-год. Вып. II. – Самарканд, 1894.
12. Терентьев М. Туркестан и туркестанцы // Вестник Европы. Том V. – Спб., 1875.
13. Троицкая А. Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень Среднеазиатского Государственного университета. Вып. 10. – Ташкент, 1925.

14. Тўрғунбоев О., Қулматов М. Ўзбекистон тарихини ўрганишда “Туркестанские ведомости” газетасининг ўрни ва аҳамияти (тарихий таҳлил) // “Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарихи ва таҳлил” номли Республика анжуман материаллари. – Термиз, 2014.
15. ЎЗМДА. Ф-1, оп. №-35, иш №-42, 66-вароқ.
16. Шишов А. Сарты // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинский области. Том XI. – Ташкент, 1904.

УДК 78.05, 379.8, 37.04

## МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ ОБУЧАЮЩИХСЯ ПОСРЕДСТВОМ ФОРТЕПИАННОГО АНСАМБЛЕВОГО МУЗИЦИРОВАНИЯ (на материале Венгерских танцев Иоганнеса Брамса)

*Миркасымова Эльмира Зукруллаевна*  
и.о. профессора кафедры специального фортепиано  
Государственной консерватории Узбекистана,  
Ташкент, Узбекистан

## METHODS OF CREATIVE THINKING DEVELOPMENT OF STUDENTS THROUGH PIANO ENSEMBLE MUSICING (based on Hungarian dances by Johannes Brahms)

*Mirkasymova Elmira Zukrullaевна*  
Acting Professor of the Department of Special Piano  
of the State Conservatory of Uzbekistan,  
Tashkent, Uzbekistan

**Аннотация.** Воспитание ансамблевой культуры музыканта-исполнителя является одной из важнейших целей и задач музыкального образования и требует неустанных поисков в их решении, разработки новых методов и форм обучения, которые предлагаются в данной статье. На основе многолетней педагогической и исполнительской практики автор делится опытом развития творческого мышления обучаемых в процессе изучения ансамблевого музицирования на материале Венгерских танцев для фортепиано в четыре руки Иоганнеса Брамса.

**Ключевые слова:** фортепианный ансамбль; музицирование; художественное содержание; творческое мышление; венгерские танцы; фактура; метод; стиль; исполнение; мастерство; вдохновение; тембр; форма; агогика; синхронность.

**Abstract.** Nurturing the ensemble culture of musicians-performers is one of the most crucial aims and tasks of music education. It demands relentless search of solutions as well as development of new methods and forms of education, some of which are offered in this article. The author is sharing her experience in developing of creative thinking of students based on her long-lasting performance and pedagogical practice. J. Brahms' Hungarian Dances for four hands are given as study example.

**Key words:** piano ensemble; music-making; artistic content; creative thinking; Hungarian dances; texture; method; style; interpretation; mastery; inspiration; timbre; form; agogic; timing.

**Аннотация.** Мазкур мақолада чолғу ижрочисида ансамблда ижро қилиш маданиятини тарбиялаш ҳақида сўз юритилади. Ансамбль ижрочилиги мусиқа таълимида муҳим мақсад ва вазифалардан бўлиб, у педагог ва ижрочидан тинимсиз изланишни, таълимнинг янгича услуб ва шаклларида фойдаланишни талаб қилади. Муаллиф кўп йиллик педагогик ва ижрочилик